Адолат кучли, куч эса адолатли бўлмоғи лозим

# Адолат

1996 йил, 16 март, № 10 (49).
♦ ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
♦ СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА.
Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон «Адолат» социал — демократик партиясининг газетаси

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 март куни Халқаро валюта жамғармасининг ижрочи директори Даниэл Кейзер бошчилигидаги ушбу халқаро молиявий ташкилот делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистоннинг бозор муносабатларини қарор топтиришда узига хос иқтисодий ислоҳотлар йўлидан бораётгани ҳақида сўзлаб берди. Биз Халқаро валюта жамғармасининг бу борада кўрсатаётган кумагини жуда юқори баҳолаймиз ва узаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз, деди жумладан, Президент.

Учрашувда Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорликни янада равнақ топтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Бахтиёр Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Файзулла Муллажонов иштирок этди.

Қабулда Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Марк Оъбрайен ҳозир бўлди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИТДИНОВ олган сурат.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

● 15 март куни Тошкентда «Ўзсаноатқурилишбанк» акционерларининг йиғилиши бўлди.

Йиғилишда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ўтган йилдаги иш якунлари, 1996 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди, бошқа молиявий ва ташкилий масалалар муҳокама қилинди. Ҳисобот йилида банк кенгаши ва бошқаруви фаолияти молиявий барқарорликни ҳамда банк химмасига юкланган вазифалар ва мижозлар олдидаги мажбуриятларни бажариш учун банкнинг баланс қувватини тамаллашга қаратилгани қайд этилди.

Йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов иштирок этишди.

● Тошкентда республика Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раёсатининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 февралдаги мажлисида сўзлаган нутқида ўртага қўйган масалалар ва фахрийлар ташкилотларининг бу борадаги вазифалари муҳокама этилди. Кенгаш раиси Б. Раҳимов шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилишда уюшма фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

●1996 йил—Амир Темур йили

## СОҲИБҚИРОН ДЕЙДИКИ...

● Ботирлик — қалъа олди.

● Бошга қилич келса-да, рост сўзла.

● Бўридан қўрққан ўрмонга кирмайди.

● Душманнинг кулгани - сиринги билгани.

● Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.

● Дўстлик — синовда чиниқади.

● Емсиз от довон ошолмайди.

● Номуссиз хиёнатдан, номусли ўлим яхши.

● Ота бўлдинг, ота қадрини билдинг.

● Қилич ўткир бўлса-да ўз сопини кесмагай.

● Сайёдда макр бўлмаса, домига ов илинмас.

● Тил — қиличдан ўткир.

## УЙҒОНДИ

Туркистон, Турон келди,
Мустақил замон келди.
Азалий армон келди,
Амиргинам, уйғонди.

Ўтмишлардан дарак дир,
Безовтасиз, ҳалакдир.
Ягона бир тилакдир,
Амиргинам, уйғонди.

Руҳияти тиригим,
Соҳибқирон буюгим.
Жаҳонгиринг суюгим,
Амиргинам, уйғонди.

Бошдаги ҳумо қушим,
Самоларда олқишим.
Ёруғ юзим, балқишим,
Амиргинам, уйғонди.

Осмонда оқ қуш кўрдим,
Уйқуда оқ туш кўрдим.
Эл-улусни хеш кўрдим,
Амиргинам, уйғонди.

САМИЯ.

## АССАЛОМ, НАВРЎЗ!



Улкамизга Наврўзи олам кириб келмоқда. Табиат кўм-кўк либос билан безаняпти. Ариқларда шилдираб сувлар оқа бошлади. Юзларга майин баҳор шабадаси урилади. Деҳқонлар ўз юмушлари билан банд. Ҳар бир қалбда Наврўзи Олам нашидаси... Кириб келаётган Наврўзингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!



СУРАТДА: «Шарқ гули» ...

Рўзмат ЖУМАНИЯЗОВ олган сурат.

● Партия ва ҳаёт

## ВАЗИФАЛАР АНИҚ

*Мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларида каби Андижонда ҳам «Адолат» социал-демократик партиясининг вилоят Кенгаши тузилиши вилоятимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. 1995 йил 2 май куни бўлиб ўтган вилоят таъсис конференциясида «Адолат» социал-демократик партиясининг Андижон вилоят Кенгаши тузилиб, кенгаш аъзолари ва котиблари сайланган.*

*Ўтган даврда вилоят Кенгаши ўз фаолиятини партия ташкилотини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, шаҳар ва туманларда партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотларини тузиш, партия аъзолари сафини кенгайтиришга қаратди.*

Андижон вилоят ҳокимлиги биноси ...

Раҳмонберди ОРТИКОВ, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Андижон вилоят Кенгашининг ижрочи котиби.

● Муносабат

## ТАРИХ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

...

Р. ҲАЙДАРОВ,
Ш. АЛИМАТОВ,
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши бўлим мудирлари.

# ЎЗБЕКЧИЛИК НИҚОБИ ОСТИДА

● Фельетон

...

Устя ҲАҚГЎЙ.

● Луқма

## НАВБАТ УНГА КЕЛДИМИ?

...

Б. ИЛЁСОВ
Термиз шаҳри.

